

Устозларга ҳурмат – аждодлардан мерос

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# **УСТОЗЛАРГА ҲУРМАТ – АЖДОДЛАРДАН МЕРОС**

(Илмий-назарий тўплам)

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси  
профессори, тарих фанлари доктори Шодмон Аҳмадович  
Ҳайитовнинг илмий-педагогик фаолиятининг 40 йиллиги ва  
таваллудининг 60 йиллигига бағишиланади

**Бухорои шариф - 2022**

**МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:**

**Сулаймон Иноятович ИНОЯТОВ**

*Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори.*

**Эшболта Отамуродович ҚОБУЛОВ**

*Термиз давлат университетининг Педагогика институти директори, тарих фанлари доктори, профессор.*

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**Ойбек Расулович РАШИДОВ**

*Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), "Жаҳон тарихи" кафедраси мудири.*

**Маҳмуд Зайневич ОРЗИЕВ**

*Бухоро давлат университети "Жаҳон тарихи" кафедраси катта ўқитувчisi, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

**МУСАҲХИХ ВА НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ:**

**Хусен Хайруллоевич ЖЎРАЕВ**

*Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факультети "Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа" кафедраси ўқитувчisi, "Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиш" маркази аъзоси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Бухоро давлат университети Илмий-техник кенгашининг 4-сонли йиғилишнинг 2022 йил 30 март 2/43-сонли қарори асосида нашрга тавсия этилди.

## **Устозларга ҳурмат – ажододлардан мерос**

---

Шадмон Аҳмадович қатнашган давралар эса ўзининг кўтарикилик руҳи, ҳаётга муҳаббатнинг ёрқин ифодаланиши билан яққол ажралиб турди. Ўзининг нотиқлиги, бетакрор латифалари билан устоз доимо давраларнинг марказига, қутбига айланади.

Қутлуғ 60 ёшни қаршилаб янги мэрраларни кўзлаётган таниқли тарихчи олим Хайитов Шодмон Аҳмадовичга узоқ йиллар ёшларга илм, таълим ва тарбия улашиш йўлида сабртоқат, мустахкам соғлик тилаймиз. Доимо шогирдлар ардоғида бўлиш бахти ёр бўлсин!

### **УСТОЗНИНГ ҲАЁТИЙ ВА ИЛМИЙ САБОҚЛАРИ УМРИМ ЙЎЛИНИ ЁРИТГАН ШАМЧИРОҚ Жаҳонгир Юнус ўғли ЭРГАШЕВ**

*Бухоро давлат университети тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)*

Устоз ҳаёт тушунчаси пайдо бўлганидан буён яшаб келаётган сиймо. Шу боис, азал-азалдан устоз-мураббийларга бўлган ишонч, ҳурмат-иззат ўзгача. Устоз деганда, ҳар бир инсон қалбида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Инсон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Устоз Шодмон Аҳмадович Ҳайитов ўзининг серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан кенг илмий жамоатчиликда намунаидир. У киши мамлакатимизда “Ўзбек муҳожирлиги тарихи” илмий йўналишига асос солган ва ривожига улкан ҳисса қўшган, катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган атоқли муаррих олим сифатида танилди. Олимнинг 600 дан ортиқ монография, рисола, илмий-публицистик китоб, дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий

## Устозларга ҳурмат – аждоҳлардан мерос

мақолалари, тарих фанини илмий-назарий, методологик жиҳатдан янада бойитишда, такомиллаштиришда, муҳим манба бўлиб келаяпти.

Мен ҳам шундай таниқли олим билан танишиш, сабоқ олиш ҳамда бирга бир кафедрада фаолият юритишдек баҳтга сазовор бўлганлар сафида турганимдан фахрланаман. Устозни таниганимга 12 йилдан ошди. Ушбу вақт давомида мураббий ва олим билан боғлиқ жуда кўп хотирамда муҳрланган воқеалар юз берган. Шулардан фақатгина уч-тўрттасини сиз зарофатли ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилмоқчиман.

2013 йилда Тошкент давлат Шарқшунослик институтида навбатдаги халқаро конференциялардан бири бўлган. У конференцияда фақат илмий даража ва илмий унвон эгалари бўлган олимлар иштирок этади деб, эълонда ёзилган эди.Faқат истисно ҳолатида мен узатган мақола ҳам нашр этилиши ҳақида хабар беришди. Ушбу конференция ташкилотчиси ва таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқов эдилар. У киши менга қўнғироқ қилиб, ушбу конференцияда иштирок этиб маъруза қилишимни айтган эдиар. Мен ушбу таклифни жон деб қабул қилдим ва мазкур анжуман ўтказилиши режалаштирилган кунда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳозир бўлдим. Конференциянинг ўрталарида бир қатор маърузачилардан сўнг менга сўз беришди ва мен ўз мақолам юзасидан маъруза ўқидим. Шунда Мирсадик Исҳоқов менга юзланиб: “Сиз кимни шогирдисиз ?” деб савол бериб қолдилар. Менинг устозим БухДУ Тарих кафедраси катта ўқитувчиси Маҳмуд Орзиев деб жавоб бердим. “Биз Маҳмуджонни яхши биламиз, катта устозлардан кимни шогирдисиз” - деб яна савол бердилар. Шунда мен бизнинг катта устозимиз Шодмон Ҳайитов деб жавоб бердим. Мирсадик Исҳоқов: Биз Шодмонжонни жуда яхши таниймиз, у киши ўзининг илми билан барча олимларни ҳайратда қолдирган. Тарих соҳасининг қайси йўналиши бўлмасин ҳаммасини бирдек чуқур биладиган ҳамда тарихий жараёнларни илмий мушоҳада билан кучли таҳлил қила оладиган олимлардан биридир - деб устозни эътироф этган эдилар.

## ***Устозларга хурмат – аждоҳлардан мерос***

---

2015 йилда магистратура таълим йўналишига ўқишига киришимга ҳам устознинг даъвати сабаб бўлган. Ушбу йилнинг ёз ойларида мен Жондор саноат КҲҚ да ўқитувчи бўлиб ишлаб юрган эдим. Шунда қўл телефонимга қарасам, Шодмон Аҳмадович қўнғироқ қиласяптилар. “Сен нима ишлар қилиб юрибсан ?” деб мендан ҳол-аҳвол сўрадилар. Суҳбатимиз орасида магистратурага бизнинг кафедрага 4 та ўрин берилибди. Сен ҳам ота-боболаринг сингари олимлик мартабасига эришишинг керак. Агар сулолангга муносиб бўлишни истасанг олий таълимнинг магистратура йўналишига ҳужжатларингни топшир деб маслаҳат бердилар. Устознинг маслаҳати билан тегишли ҳужжатларни топшириб, магистратура йўналиши талабаси бўлганман. 2015 йилнинг февраль ойида Камолот ЁИҲ БТ етакчилигига номзодим тасдиқланиб келган вақтда мени чақириб оталарча маслаҳатлар берганлари, масъул вазифада вижданан ишлашга чорлаганлари ҳали ҳам қулоғим остига қўнғироқдек жаранглаб турибди.

Магистратура таҳсилини тугалламасданоқ Шодмон Аҳмадовични тавсияларига асосан БухДУ да 2 та лавозимга бир пайтнинг ўзида муносиб кўрилибман шекилли, менга раҳбарият юксак ишонч билдириди. Мен бир муддат “Камолот” ЁИҲ БТ етакчиси ва “Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими” бошлиғи лавозимларида фаолият юритдим. Магистратурани тугатганимдан кейин “Тарих” кафедрасига ишга кириш кун тартибимдаги масалаларимдан бирига айланди. Шунда мен ариза ёзаман, ўша вақтдаги факультет декани аризамга имзо қўймайди. Сабаби билан қизиқсам, мен бўлим бошлиғи сифатида 1 ҳисса ишлар эдим. Факультет декани ташқи ўриндошларни 0,25 ҳиссадан 0,5 ҳиссага ўтқазиб, агар заҳира дарс соатлари қолса менга иш берилишини айтди. Шунда устоз билан маслаҳатлашиш учун кабинетларига бордим. Ўша вақтдаги кафедра мудири устозимиз закий ва камтарин олим, т.ф.н., доцент К.Ж. Раҳмоновдан кабинетларига келишларини сўраб: “Кафедрамизга Жаҳонгирдек чаққон йигитлар керак, бу йигит раҳбарият билан ўртамизыва кўприк бўлади, шунинг учун

## Устозларга ҳурмат – ажододлардан мерос

унинг аризасига имзо қўйиб беринг” - деб мени кафедрага ишга ўтишимга ҳам сабабчи бўлганларини ҳеч қачон унутмайман.

2017 йил Бухорода ўтказиладиган йирик бир вилоят анжуманида ёшлар номидан сўзга чиқиш учун номзодлар сараланаётган эди. Мени номзодим ҳам устоз Ш.А. Ҳайитов томонларидан тавсия берилган экан. Мен билан нутқ қилиш олдидан Бухоро шаҳар ҳокими К.Ж. Камалов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин), Бухоро шаҳар ҳокимининг Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари А.А. Ҳайитов, Бухоро МТРК директори Ф.М. Аминов, Бухоро вилояти ҳокимининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Ж.Ш. Носиров (ҳозирда Бухоро шаҳар ҳокими)лар маҳсус сухбат қилишган. Минглаб ёшлар орасидан мени танланганим мен учун катта маъсулият десам муболаға бўлмайди. Бу менга устозларимнинг, айнан профессор Ш.А.Ҳайитовнинг ишончи деб биламан.

2018 йил Фарғона давлат университетида навбатдаги халқаро конференциялардан бири ўтказилди. Ушбу конференцияга иштирок этиш мақсадида Бухородан Шодмон Аҳмадович бошчилигида бир груп профессор-ўқитувчилар йўлга отландик. Бизни Фарғонада ФарДУ Тарих факультети декани А.М. Салмонов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) бизни кутиб олдилар. Ушбу камтарин олим, дилкаш, қўли очиқ инсон кун давомида биз билан бўлиб, “Икки дўст” (А.М. Солмонов ва Ш.А. Ҳайитов дўстлиги ҳурматига шунаقا ном берилган) деб номланган фарзандлари Бехзод Салмонов хусусий чойхонасида роса меҳмон қилишди. Эртаси куни конференция бошланди. Асосий маъруза қилувчиларнинг биринчиларидан бўлиб Ш.А.Ҳайитов ўзларининг оташин маъruzалари билан чиқиш қилдилар. Маъруза тугар экан, маъruzадан таъсирланиб ҳамма тўхтовсиз қарсаклар чалди. Қаерга бормайлик, биз билан 3 ёки 4 нафар ўқитувчилар бизга ҳамроҳлик қилишар эди. Буларнинг ҳаммаси Шодмон Ҳайитовнинг ҳурматлари учун эди. Домлонинг 1989-1991 йиллардаги аспирантлик даври ФарДУда ўтган. Шу сабабли Фарғона заминида у кишининг ёру-биродарлари бисёр.

## ***Устозларга хурмат – аждоҳлардан мерос***

---

Устоз билан боғлиқ яна бир воқеани эсга олмоқчиман. 2017 нинг охирида ёш тадқиқотчи ўқитувчилар ҳамма ўқитувчилар (PhD) илмий даражасини олиш учун ўзларига мавзу танлаш ва илмий раҳбарнинг розилик хатини олиш орқали уни тасдиқлатиши керак эди. Мен биринчи бўлиб устоз Шодмон Аҳмадовичнинг ҳузурларига борганман. Ўша вақтлар ҳар бир фан доктори учун максимал 5 тагача шогирд билан ишлаш ҳуқуқи бор эди. Ўшанда менга мурожаат қилиб “Сенга илмий раҳбарлик қилишга розиман, лекин белгиланган талабдан ортиқча кишини шогирдликка олаолмайман” - деб айтган эдилар. Мен ҳозирда илмий раҳбарим т.ф.д., профессор Ў.М.Мавланов билан учрашиб, у кишидан диссертация мавзусини олиб келдим. Устоз Ў.М.Мавлановни раҳбарим бўлганликлари ҳақидаги хабарни айтишим билан, устозни чехраси очилиб кетди: “Ўқтамжон мени дўстим, серқирра олимнинг шогирди бўлибсан” - деб менга илмий ишимда оқ йўл тилаганлар.

Ёзиб тугалланган диссертациямни 2020 йил сентябрь ойи устозга ўқиши учун олиб борганимда, домла монография ёки дарсликни ёзиш устида ишлаб ўтиришлари, ушбу ҳолатнинг гоҳида эрталабгача давом этишининг гувоҳи бўлганман. Устоз ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, фан йўлидаги тинмай изланишлари, ёшларга нисбатан хайриҳоҳлиги, меҳрибонлиги, ҳар қадамда бизни қўллашга тайёр эканлиги сингари олим ва инсонга хос ажойиб фазилатлари билан ажралиб турадилар. У кишининг бу хислатлари шогирдларига ўрнак ва ёрқин намуна бўляяпти, десам муболаға бўлмайди. Ҳар гал у кишининг ҳузурларига борганимда, устоз ўтмишда илмга берилган эътибор, тарих фанининг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш истиқболлари ҳақида сўз очадилар, илмий ишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни эринмасдан тушунтириб берадилар. Байрамларда, туғилган кунларида дўстлари, шогирдлари, яқинлари, ҳамкаслари устознинг фикрларини мароқ билан тинглайдилар, ҳазил-мутойибалари барча давра иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлайди.

## ***Устозларга ҳурмат – аждоҳлардан мерос***

У киши билан ўтказган ҳар бир сұхбат кишининг руҳиятини күтаришга хизмат қилади. Шахсан менда илмий ишдан ташқари, оиласындағы турмуш шароитимга, қийинчиликларни бартараф этишимга эътибор қаратишлари, фарзандларимнинг таълим-тарбиясида, меҳнат фаолиятимдаги дуч келаётган масалалар билан яқындан қизиқишилари, ўз маслаҳатларини беришлари, ҳатто, ёш оила бўлган пайтда шахсий муаммоларни ҳал этишга кўрсатган амалий кўмаклари учун устоздан миннатдорман. Шодмон Аҳмадович ҳақида эзгу сўзлар айтганлар кўп, айтмоқчи бўлганлар эса ундан-да кўп. Устознинг дўстлари ва шогирдларининг ўзи алоҳида олам. Улар қофозга тушса, ибрат ва ўрнак кўзгусига айланиши тайин.

Халқимизда “Устоз отангдек улуғ”, деган яхши ибора бор. Дарҳақиқат, ота инсоннинг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз унга ҳаётда яшаш илмидан таълим беради. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳаётда шахс сифатида вояга этишимда, дўсту-биродарлар ўртасида муносиб ўрин эгаллашимда устознинг ўгитлари пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Дунё ҳамиша эзгу истакли одамлар, буюк ишларга қодир салоҳиятли инсонларнинг ва атоқли олимларнинг борлиги ва фидойилиги билан барқарордир. Устоз ҳақида фикр юритганда кўз ўнгимда юксак фазилатлар эгаси, зиёли, билими ва меҳри оқар чашмадек тўлиб-тошган инсон гавдаланади. Профессор Шодмон Аҳмадович Ҳайитовнинг илмга садоқат, ижодий шижаот, изчилликнинг сусаймагани, ёш авлодни тарбиялаш, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан юксак тажрибалари, ҳар қандай кишининг шахсий ҳаётида, меҳнат фаолиятида, илм йўлида берган насиҳатлари ва қўллаб-қувватлашлари мен каби ёшлар учун юксак ибрат намунасидир.

Устоз 60 ёшингиз муборак бўлсин ва Яратганни Ўзи Сизни ҳифзу-ҳимоятида асрасин. Омин!

**ИЛМ УММОНИГА ЧОРЛАГАН УСТОЗ!**

**Ҳалим МУРОДОВ**

*Бухоро давлат университети докторанти*

**Ҳамза ЖҮРАЕВ**

*ТВЧДПИ ўқитувчиси*

Устоз деган буюк сўз замирида саноқсиз мاشаққатлар ва қийинчиликлар натижасида эришилган илм ва унинг мевалари бўлган юзлаб, ҳатто минглаб шогирдлар камолини кўришдек илоҳий неъмат мужассамдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифда ўзидағи билим ва ҳунарни бошқаларга ўргатувчи инсонлар ҳақида: «Албатта, Аллоҳ таоло унинг фаришталари, самовот ахли, ҳаттоки, кавакдаги чумоли, денгиздаги балиққача барчалари - инсонларга яхшилик ўргатувчи киши ҳақига саловат-дуо айтиб турадилар”, - деб марҳамат қилганлар.

Домла 1992 - йил Бухоро давлат университетида илк талаба бўлган бизнинг гуруҳ йигит-қизлари учун тарихчи устоз ва ҳаёт мураббийи сифатида хотирамиз ва ҳаётимиздан жой олдилар. Мухтасар қилиб айтганда, Устоз феъли кенгликини одат қилган инсон сифатида сабр-бардошли, вазмин, ўз фикрини ўзи бошқара оладиган, ҳаёт тажрибасининг мешаққатлари ва эришган ютуқлари ҳамда устозлар даврасида илмий мушоҳадасининг кучли эканлиги билан ҳурмат қозонган инсон тарих фанлари доктори, профессор, устоз Шодмон Аҳмадович Ҳайитов ҳисобланади. Устозлик ғоятда олийжаноб ва қийин касб. Ўз умрини шу касбга бағишилаган кишидан доимий ижодкорликни, тинимсиз фикрлашни, зўр қалб саховатини, шогирдларга меҳр-муҳаббатни, ўз ишига астойдил садоқатни талаб қиласди.

Биз устоз Шодмон Аҳмадовичда ушбу хусусиятларни кўриб, у кишига шогирд бўлишга ва имкон даражасида ўхшашга илк талабалик давриданоқ ҳаракат қилганмиз. Домла ўз умрини фанга бағишилади, биз устозни тарих ва ҳаётни чукур ўрганган олим сифатида биламиз. Устознинг

## **Устозларга ҳурмат – аждодлардан мерос**

### **МУНДАРИЖА**

Жўраев Ҳ.Х.	Аннотация	3
Ҳамидов О.Ҳ.	Сўзбоши	5
Абу Абдуллоҳ Рўдакий.	Маснавий	7
Ҳайитов Ш.А.	Умринг билмам неча йил, аслинг билсанг обу гил	8
Рауф Жўраев	Тарихимиз яловбардори	13
Иноятов С.И.	Забардаст муаррих, юксак фазилат соҳиби	14
Шамсутдинов Р.Т.	Қутлов	20
Жўраев Ҳ.Х.	Устозлар ҳурмати – аждодларимиз мероси	23
Жўраев Ҳ.Х.	Нигоҳ	30
Timur kocaoglu	Табрикнома	31
Воҳидов Ш.Ҳ.	Шодмондан шодмонликкача	35
Asli Orunbayev	Tebrik	39
Жўраев Ҳ.Х.	Устоз отадек улуғ	42
Саломова Ҳ.Ю.	Ўзбекистон миллий тарихининг ёрқин вакили	44
Шодмонов Қ.Б.	Қалби пок инсон потретига чизгилар	47
Набиев Ф.Ҳ.	Ўзбекистонда тарих фани ривожига улкан ҳисса қўшган бухоролик олим...	50
Ғаффоров Ш.	Илмга бахшида умр	55
Эгамбердиева Т.	Илм чўққисига интилган фидойи олим	59
Жўраев Ҳ.	Фарғонанинг бухоролик фарзанди	62
Жўраев Ҳ.Ҳ.	Гар устоз рози-тангри розидур	65
Адизов Б.	Зукко тарихчи олим	67
Қобулов Э.О., Тўхтаев А., Сафаров Б.	Ёстиғи тошдан бўлган устоз	70
Холиқова Р.Э.	Илм – фанга бахшида умр....	73
Ерметов А.А.	Истеъдодли олим, бағрикенг ва масъулиятли устоз	76

## ***Устозларга ҳурмат – ажоддлардан мерос***

Олимов Ш.	Тарих илмининг фидойиси	78
Чориев А.	Муҳожирлар тадқиқотчиси	80
Нормуродова Г.Б.	Серқирра тарихчи олим ва бағрикенг инсон	83
Турсунов С.Н.	Устозлардан ибрат олиб шогирдларнинг комил устозига айланган аллома	85
Жумаев Р.Ф.	Устоз, таъзимдамиз	89
Бадридинов С.	Илм билан бошланган дўстлик	91
Сирожев О.С.	Ҳайитов Шодмон Аҳмадович 60 ёшда	95
Жумаев А.	Юксак иқтидор эгаси	97
Рашидов О.Р.	Ҳаёт фалсафасини ўргатган устоз	100
Аминова А.М.	Жизнь дарованная науке	104
Ҳалимов Т.А.	Шижаатли олим ва нотиқ	106
Ширинова Ф.И., Ҳамроева С.И.	“Ўзимизга тортдими ҳозирги ёшлар ...?”	107
Бакаев Н.Б.	Тарихчи донишманд олимнинг ойдин йўли	110
Баҳронов Б.Б.	Ибратга йўғрилган нурли йўл	112
Хошимов С.	Эзгу ниятларга йўғирилган ҳаёт	114
Даминов Н.А.	Илм масканини яратган устоз	115
Шарипова О.Т.	Фидойи олим, беназир дўст, меҳрибон устоз	119
Болтаев Ш.О.	Олимлик даражасини улуғлаган инсон	120
Алламов А.А.	Интилганга толе ёр	123
Орзиев М.З.	Устознинг чексиз меҳри	126
Маттиев Ў.Б.	Устоз Ш.А. Ҳайитовнинг Афғон фуқаролари тарихига оид тадқиқотларига бир назар	130
Йўлдошев С.	“Чин тифи билан ололмаган Фарғонани-илм билан олган Шодмон Ҳайит”га қутлов хати	133
Собиров Н.	Мозийдан “марварид” излаган тарихчи олим	137
Арслонзода Р.	Инсонийлик ва олимлик тимсоли	144
Шарафиддинов А.	Фарғонага меҳри баланд дўстимиз Шодмон Ҳайитов ҳақида сўз	148

## *Устозларга ҳурмат – аждоҳлардан мерос*

Раҳматиллаев Ҳ.	Забардаст тарихчи олим	151
Утаева Ф.Х.	Таниқли тарихчи олим	153
Ҳайдаров Й.Ҳ.	Зукко олим ва ҳаётдан ҳикмат излаган инсон	155
Рауфов С.С.	Ютуқ ва муваффақиятлар асоси	160
Жўраев Р.	Илму фанга бахшида умр	163
Ҳамидов Б.И,	Ўзбеклар дунёсининг забардаст	
Холлиев Ж.О.	тадқиқотчиси	166
Ортиқов З.З.	Устоз - отангдай улуғ ёхуд қадри баланд устоз	168
Умаров Б.Ж.	Чинаккам илм ва юксак одоб соҳиби	171
Ортиқов О.Р.	Устоз отадек улуғ, буюк зот	172
Исоев О.	Беғубор қалб эгаси	174
Кушаков С.Ю.	Илм йўлида жасорат қўрғонинг посбони	177
Раҳимов Н.К.	Ўзбек мұхожирлиги тарихининг етук олими	179
Джураева Л.А.	Билим нурин таратган зот	182
Раджабова Н.	Устоз	183
Ҳайитов А.А.	Илм бобида нур, камтарликда комилликни касб этган олим	185
Аҳмадов А.А.	Тафаккури уммон, иродаси метин олим	188
Тошов Х.Р.	Элини “Достон” қилган олим	190
Мирзакұлов Б.Т.	Изланувчи олим ва устоз	194
Турсунов Р.Н.	Илм-фан фидойиси ва бағрикенг устоз	195
Жумаев Қ.Ж.	Манфаатли илм соҳиби	197
Мажидов Ж.Ж.	Шогирдлар ардоғидаги устоз	198
Темиров Ф.У.	Илму-маърифатда шодмон ҳаётда ҳам Шодмон устоз	200
Мамаражабов Б.Н.	Шогирдлар ардоқлаган устоз	203
Нормаматова П.О.	Устозга ҳурмат – биз учун баҳт	205
Абдуллаев Ж.И.	Эл ардоғидаги инсон ва жонкуяр устоз	206
Бебитов М.А.	Устоз, ўқитувчи, мураббий!	209
Файзиева Ф.	Ибрат китобидан бир саҳифа	210
Ахмедова М.Х.	Перспективный ученый	212

## ***Устозларга ҳурмат – ажододлардан мерос***

Мустафоев Б.И.	Тарихчи олимнинг мусиқий маданияти	215
Ҳайитова О.С.,	Фикрнома	
Ҳайитов З.У.,		
Норов Ш.С.		219
Норов Ш.С.	Великий мыслитель истории	220
Қўзиев Н.А.	XXI аср янги ренесанс даври тарих мактабининг Аҳмад Дониши	222
Ҳайдаров У.Ф.	Педаголар шажарасининг сардори	225
Нуридинов Т.	Наршахий издоши	227
Норқўчқаров Х.Э.	Бухорий ва термизийлар “Устоз-шогирд” анъанасини давом эттириб	229
Болтаев Б.Б.	Шогирдларга ибрат устоз	233
Қудратов Ш.Ё.	Илми билан оммага танилган олим	235
Эргашов М.Я.	Замонамизнинг забардаст олими	237
Маҳмудов Б.	Устоз-қўлдаги маёқдир!	240
Жамолова Д.	Жонкуяр устоз	241
Усмонов Б.А., Жўраев Ҳ.П., Алимова Н.О.	Чин инсоний фазилатлар соҳиби	244
Эргашев Ж.Ю.	Устознинг ҳаётий ва илмий сабоқлари умрим йўлини ёритган шамчироқ	246
Муродов Ҳ.,	Илм уммонига чорлаган устоз!	
Жўраев Ҳ.		252
Дўстов С.	Тарихчи олим, устоз ва мураббий	255
Жўраев Ҳ.Х.	Устоз бу ким?	257
Жўраев Ҳ.Х.	Жаннат тупроғи	261
Рауф Жўра	Илм дарғалари	263
Рашидов О.Р.	Тақриз	266
Орзиев М.З.	Тақриз	267